

---

Фурқат туманида фойдаланишга топширилган "Зиё маскан"лари сони яна биттага күпайди.

Фурқат тумани Чеккүприк маҳалла фуқаролар йиғини марказида тадбиркор Мардонбек Ақрамов томонидан маҳалладаги фойдаланишга яроқсиз ҳолатдаги бўш турган бино қайта таъмирланиб "Зиё маскани"га айлантирилди.

Бугун Чеккүприкликлар учун байрамга ажойиб тухфа бўлган ушбу масканнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, маҳалла раиси, таълим муассасаси раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда китобсевар ёшлар иштирок этдилар.

Туман ҳокими китоб инсоннинг маънавий камолотидаги ўрни хусусида сўз юритиб, бу каби масканлар китобхонлик ривожига хизмат қилишини таъкидлади.

Мазкур масканда болажонлар учун ўқув қуроллари жамланган. Бу ерда болалар адабиёти, ҳукуқий адабиётлар, илмий-оммабоп, чет тилларидаги қўлланма ва адабиётлар ҳамда бошқа соҳаларга оид 50 турдаги 500 дона китоблар билан таъминланган.

Бундан ташқари тадбиркор томонидан ушбу маскан ёнида хизмат кўрсатиш обьекти ташкил этиш режалаштирилгани маълум қилинди.

"Зиё маскани" китобсеварларга чин маънода зиё улашишга хизмат қилиши, шу куннинг ўзида ушбу масканга китобхонлар оқими кўпайганидан ҳам кўриниб турибди.

2022-09-01 00:00:38